



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 149 (13.482)

Баҳоси эркин нарҳда

2017 йил 21 июль, ЖУМА

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ АРТИСТИ КОМИЛЖОН ОТАНИЕЎЗОВ ТАВАЛЛУДИНИНГ 100 ЙИЛЛИК БАЙРАМИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Хурматли тантана иштирокчилари!
Муҳтарам Хоразм аҳли!

Аввало, маданий ҳаётимиздаги улкан воқеа – халқимизнинг ардоқли фарзанди, Ўзбекистон халқ артисти Комилжон Отаниёзов таваллудининг 100 йиллик байрами билан сиз, азизларни, атоқли санъаткоримизнинг авлодларини, шогирдлари ва минг-минглаб мухлисларини, бугунги анжуманга ташриф буюрган хорижий меҳмонларимизни, бағрикенг, юксак маънавиятли Хоразм элини самимий муборакбод етаман.

Хеч шубҳасиз, ўзбек мусиқа санъати тарихида, айниқса, унинг XX асрдаги равнақи ва тараққиётида беназир овоз соҳиби, оташнафас ҳофиз Комилжон Отаниёзовнинг нечоғли буюк хизматлари борлигини барчамиз яхши биламиз.

Она юрт гўзаллигини, Ватанга муҳаббат, севги ва садоқат, эзгулик, меҳр-оқибат каби юксак инсоний туйғуларни авж пардаларда куйлаган Комилжон Отаниёзов ҳам ҳофиз, ҳам созанда, ҳам бастакор сифатида бетакрор ижодий мактаб яратиб, тарихимизда ўчмас из қолдирди. У яратган кўшиқлар миллионлаб инсонлар қалбидан чуқур жой эгаллаб, халқ ижоди намуналарига айланиб кетгани ҳам бу улғу санъаткорнинг қандай нодир истеъдод соҳиби бўлганидан далолат беради.

Санъат воситасида халққа хизмат қилишни ўз ҳаёти, бутун борлигининг маъно-мазмуни деб билган Комилжон Отаниёзов қисқа умри давомида мумтоз мусиқа санъатимизни янги, юксак босқичга кўтарди. Ўзининг гоёат ноёб, айтиш мумкинки, илоҳий ва соҳир овози билан ўзбек маданиятини, ўзбек номини бутун дунёга тараннум этди.

Бу улғу инсоннинг яна бир унутилмас хизмати шундаки, у ўзининг қалб кўри, меҳри ва саховатини бағишлаб, ўнлаб истеъдодли шогирдларни қамолга етказди. Бугун нафақат Ўзбекистонда, балки қўшни мамлакатларда ҳам шуҳрат қозонган кўплаб ҳофиз ва санъаткорлар уни ўзларининг маънавий устози деб биладилар.

Комилжон Отаниёзов ўз шеърларидан бирида: **“Ўйла-санг ўз бахтининг, эл бахти билан ёр эт, Эй, Комил, номингни сен яхшилар ичра бор эт”**, деб ёзган ва бу ҳикматни ўзининг ҳаётий эътиқодида айлантирган шахс эди. У фақатгина ўз сози ва овози билан эмас, балки гўзал инсоний фазилатлари билан ҳам барчага ўрнак ва намуна бўлган буюк санъаткор эди. Унинг санъатга фидоилиги, тўғрисиёз ва самимийлиги, одамларга меҳрибонлиги ханузгача тилларда дoston бўлиб келаётгани бежиз эмас.

Мустақиллик йилларида маданиятимизнинг барча улкан намоёндалари каторида Комилжон Отаниёзов хотирасига

ҳам муносиб ҳурмат ва эътибор кўрсатилиб, у 2000 йилда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Абдуғаниевич Каримовнинг фармонида кўра “Буюк хизматлари учун” ордени билан мукофотлангани айни эл-юртимизнинг кўнглидаги иш бўлган эди.

Ёдингизда бўлса, ўтган йилнинг ноябрь ойида вилоят сайловчилар вакиллари билан бўлган учрашувимизда улғу ҳофизимизнинг 100 йиллик юбилей тантаналарини муносиб тарзда ўтказишга қарор қилган эдик. Бугун бутун мамлакатимиз микёсида бу сана ҳақиқий санъат ва нафосат байрами сифатида кенг нишонланаётгани, устоз санъаткоримиз хотирасини абадийлаштириш, унинг биз – авлодларга қолдирган ўлмас меросини ўрганиш, ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайдиган бундай беқиёс бойлиқни келгуси авлодларга безавол етказиш бўйича амалга ошираётган барча ишларимиз халқимизнинг фидойи фарзанди хотирасига кўрсатилаётган юксак эҳтиромнинг яна бир ифодасидир.

Хусусан, устоз санъаткор туғилиб вояга етган Хоразм замида унинг уй-музеи ташкил этилгани, Шовот туманида Комилжон Отаниёзов номидаги маданият ва истироҳат боғи реконструкция қилиниб, ҳар томонлама обод қилингани, Урганч туманида ҳофиз хотирасига аталган боғ ва ижод маркази барпо этилиб, у зотининг табаррук сиймоси акс эттирилган ёдгорлик ўрнатилгани айниқса эътиборга лойиқдир.

Фурсатдан фойдаланиб, бу эзгу ва хайрли ишларга муносиб ҳисса қўшган барча юртдошларимизга – қўли гул қувувчилар, меъмор муҳандисларимизга, бунёдкор Хоразм аҳлига ўз номидан, бутун халқимиз номидан самимий миннатдорлик изҳор етаман.

Бугун биз олижаноб инсон, беназир ҳофиз Комилжон Отаниёзовнинг сўнмас хотирасини шарафлаб, унинг ҳаёт ва ижод йўли, ибратли фазилатлари ҳақида сўз юритар эканмиз, бир фикрга қайта-қайта амин бўламиз. Яъни, токи дунёда санъат деган буюк мўъжиза бор экан, ер юзиде ўзбек деган халқ яшар экан, Комилжон Отаниёзов номи ҳам барҳаёт, у ўзининг умрбоқий кўшиқлари билан абадий яшайди.

Мана шу унутилмас лаҳзаларда Комилжон Отаниёзовнинг ёрқин шахсиятига яна бир бор чуқур ҳурматини билдириб, кўнглимдаги бир фикрни айтмоқчиман.

Дунёга мана шундай буюк зотларни берган, уларнинг ёдини ёзозлаб, ардоқлаб келаётган халқимиз доимо омон бўлсин!

Бугунги кутлуг айём барчамизга муборак бўлсин!

ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти



“Шарқ тароналари – 2017”

ДУНЁ ЭЪТИРОФИДАГИ ФЕСТИВАЛЬ

Миллий матбуот марказида жорий йил 25-30 август кунлари Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтадиган анъанавий “Шарқ тароналари” XI халқаро мусиқа фестивалига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси маданият вазири ўринбосари К.Окилова ва бошқалар Биринчи Президентимиз Ислон Каримов ташаббуси билан 1997 йилда ташкил этилган “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивали дунёнинг энг нуфузли санъат форумлари каторидан жой олганини таъкидлади.

Мазкур фестиваль миллий мусиқа санъатини ривожлантиришга ҳисса қўшиш билан бирга, жаҳоннинг турли мамлакатлари хонандалари, мусикашунослари, бадий жамоалари ижрочиларининг ўзаро фикр ва таж-

риба алмашадиган, санъатимизни бор гўзаллиги ва жозибаси билан намоён этадиган бетакрор байрамга айланди. Халқлар ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Фестиваль эзгу гоёлари, юксак ва кўтаринки савияси билан йилдан йилга нуфузи ошиб бормоқда. Биринчи фестивалда 31 мамлакат вакиллари қатнашган бўлса, бу йилги фестивалда 60 га яқин мамлакатдан бадий жамоалар, яккахон хонандалар, мусикашунослар, олимлар қатнашиши кутилмоқда.

Фестиваль доирасида “Шарқ халқлари мусиқа маданиятида миллий анъаналарнинг шаклланиши ва ривожланиши” мавзусида илмий-назарий конференция ўтказилиши кўзда тутилган. Шу кунларда Самарқанд шаҳрида фестивални кўтаринки руҳда ўтказишга қизгин тайёргарлик кўрилмоқда. Фестиваль доирасида Ўргут, Тайлоқ, Жомбой, Пастдарғом туманларида ҳам мусиқий тадбирлар, ижодий учрашувлар, мулоқотлар, концертлар бўлиб ўтади.

Н.УСМОНОВА,
ЎЗА муҳбири

ЎЗБЕК МУТАХАССИСЛАРИ ГЕРМАНИЯ ИСЛОМ МАРКАЗЛАРИ ТАЖРИБАСИНИ ЎРГАНМОҚДАЛАР

Ислон динини тадқиқ қилувчи хорижий жамоат маданий марказлари фаолиятини ўрганиш мақсадида мамлакатимиз хайъати Германияда бўлиб қайтди.

Ташриф доирасида Ўзбекистоннинг Германиядаги элчихонаси ташаббуси билан қатор олий ўқув юртлири ҳузуридаги ислон тадқиқотлари марказларида таниқли ар-боблар, олимлар, аспирантлар ва талабалар иштирокида давра суҳбатлари ўтказилди. Ўзбекистон делегацияси аъзолари Берлиндаги Ислон санъати музейи ва Мюнхендаги Ислон маданияти маркази фаолиятлари билан ҳам танишдилар.

Тадбирлар давомида немис мутахассислари Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг яқинда Тошкентда ижтимоий ҳамжиҳатликни таъминлаш, муқаддас ислон динининг ҳақиқий мазмун-моҳиятини асраб-авайлаш масалаларига бағишлаб ўтказилган “Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби” мавзусидаги анжуманда сўзлаган нутқида кўтарилган фикрлар билан танишдилар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ислон маданияти маркази ҳамда Самарқандда Имом Бухорий номидаги илмий-тадқиқотлар марказини ташкил этиш тўғрисидаги маълумотлар Германияликларда катта қизиқиш уйғотди. Қайд этилганидек, илм-фан ва маданият ривожига улкан ҳисса қўшган ўзбек халқининг бебаҳо маънавий мероси ханузгача тўла ўрганилмагани мазкур марказларни очиб беришга туртки бўлди.

ГФР вакиллари Ўзбекистонда ислохотларнинг самарадорлигини ошириш, шу жумладан, кўпмиллатли жамиятда барқарорлик, тинчлик ва ҳамжиҳатликни таъминлаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирларга юқори баҳо бердилар. Немис мутахассислари Ўзбекистонда бўлгуси марказлар билан узок муддатли ҳамкорлик қилиш, қўшма таълим ва тадқиқот лойиҳаларини ишлаб чиқишга тайёр эканликларини маълум қилдилар.

Учрашувлар якунида **Оснабрюк университети ҳузуридаги Ислон олихотиёти институтини лойиҳа раҳбари Мартин Кельнер** таъкидлаганидек, дарҳақиқат, Ўзбекистон ислон маданияти ва илм-фанининг бешикларидан бири ҳисобланади. “Мамлакатимиз дин тараққиётига катта ҳисса қўшган буюк диний олимларнинг бебаҳо меросига эгадир. Ўшбу маънавий ва илмий тафаккур намоёндалари инсоният тарихида ўчмас из қолдирганлар. Айнан шу сабабли биз ҳам Ўзбекистон хайъатини мамнуният билан қабул этдик ва ҳамкорлик истиқболларини муҳокама қилдик. Ўзбекистонда маънавиятни мустаҳкамлаш, ўсиб келаётган авлодга юксак маънавий-ахлоқий кадрларни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани муҳим аҳамиятга эга”.

(Давоми 2-бетда)

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИНИНГ ЙИГИРМА БЕШИНЧИ СЕССИЯСИНИ АҚАРИШ ТЎҒРИСИДА

Тошкент шаҳар ҳокими қарорига мувофиқ, 2017 йилнинг 22 июль кунини соат 10.00да халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг йиғирма бешинчи сессияси ўтказилди.

Сессия кун тартибига қуйидаги масалалар киритилмоқда:

– Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 12 июлдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон экологик ҳаракати вакиллари билан видеосе-

латор йиғилишидаги “Парламентимиз ҳақиқий демократия мактабига айланиши, ислохотларнинг ташаббускори ва асосий ижроچиси бўлиши керак” деб номланган маърузаларидан келиб чиқадиган устувор вазифалар тўғрисида;

– Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси бошлиғи Б.Қурбоновнинг ички ишлар органларининг жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси борасидаги фаолияти юзасидан ҳисоботи тўғрисида;

– Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси бошлиғи У.Эгамбердиевнинг аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш борасида олиб борилаётган ишлар юзасидан ҳисоботи тўғрисида;

– Тошкент шаҳар ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Ш.Аббасовнинг ёшлар билан ишлаш соҳасида олиб борилаётган ишлар юзасидан ҳисоботи тўғрисида.

БЕНАЗИР САҢЪАТКОР ХОТИРАСИГА ЭҲТИРОМ

Хоразмда Ўзбекистон халқ артисти, “Буюк хизматлари учун” ордени соҳиби Комилжон Отаниёзов таваллудининг 100 йиллиги кенг нишонланмоқда.

Мустақиллик йилларида миллий маданиятимиз ва санъатимизни янада ривожлантириш, халқаро микёда кенг тарғиб этиш, унинг бебаҳо намуналаридан халқимизни баҳраманд қилиш, айниқса, ёш авлоднинг мусиқий дидини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шавкат Мирзиёев 2016 йил ноябрь ойида Хоразм вилояти сайловчилари билан учрашувда халқимизнинг ардоқли санъаткори Комилжон Отаниёзов таваллудининг 100 йиллигини кенг нишонлаш, машҳур ҳофиз номи билан аталадиган замонавий ижод маркази, гўзал боғ ташкил этиш тақлифини билдирган эди. Ўтган яртқи давомида шу санага бағишлаб юбилей кўндаларда кўплаб тадбирлар ўтказилди. Пойтахтимизда устоз санъаткор таваллудини санасига бағишлаб адабий-мусиқий тадбир ташкил этилди.

Улғу санъаткор туғилиб вояга етган Шовот туманида Комилжон Отаниёзов номидаги маданият ва истироҳат боғи реконструкция қилиниб, ҳар томонлама обод масканга айлантирилди. Урганчада унинг хотираси билан аталган боғ ва ижод маркази, уй-музеи ташкил этилди. Ҳофиз сиймоси акс эттирилган ёдгорлик ўрнатилди.

Ўзбек мусиқа санъати ривожига улкан ҳисса қўшган беназир овоз соҳиби, Ватан, дўстлик, меҳр-оқибат ва муҳаббатни авж пардаларда куйлаган Комилжон Отаниёзов таваллудининг 100 йиллигига бағишланган тадбир ҳофиз қабрини зиёрат қилишдан бошланди.

Оқғий номидаги Хоразм вилояти мусиқали драма театрида хотира кечаси бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон халқ артисти Комилжон Отаниёзов таваллудининг 100 йил-



лик байрами қатнашчиларига табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Хоразм сувори ва макомлари, халқ ашулалари ва дostonларининг моҳир ижрочиси Комилжон Отаниёзов асос солган мактаб ёш ижрочилар учун ўзига хос маҳорат мактаби бўлиб келаётгани алоҳида таъкидланди.

– Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Комилжон Отаниёзов таваллудининг 100 йиллиги кенг нишонланаётгани бутун халқимиз, айниқса, санъат ихлосмандларини беҳад мамнун этмоқда, – дейди ЎЗА муҳбирига Ўзбекистон халқ артисти Гафур Эшчонов.

– Шовот туманидаги қишлоқлардан бирида туғилиб ўсган, ўзининг ибораси билан айтганда, “оталиқнинг мо-

лини боқиб”, подачи тағини ўзига тор қилиб чала бошлаган ёш Комилжон халқимизнинг ардоқли санъаткори эди. У ўзининг бетакрор овози ва ижро услуби билан нафақат мамлакатимиз, балки хорижий ўлкаларда ҳам санъат шайдоларини мафтун этган. Устоз қолдирган бебаҳо санъат бугун унинг шогирдлари, ёш ижрочилар томонидан муносиб давом этириб келинмоқда.

Тадбирда бадий жамоалар, хонандалар томонидан К.Отаниёзов ижодий меросидан намуналар ижро этилди. “Уч бўстон булбули” номли спектакль, ҳофиз ҳаёти ва ижодига бағишланган видеофильм намойиш этилди.

Тадбирда Хоразм вилояти ҳокими П.Бобононов сўзга чиқди.

А.ШОКИРОВ

Бугун халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг йигирма бешинчи сессияси кун тартибига киритилиши кўзда тутилган масалалар юзасидан Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислохотни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш, Қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва фуқаролар ҳавфсизлигини таъминлаш, Коммунал хўжалик ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда Санаят, транспорт, қурилиш, алоқа ва аҳолига хизматлар кўрсатиш, Ёшлар сиёсати ва соғлом авлод, Ижтимоий-маданий ривожланиш масалалари бўйича доимий комиссияларнинг қўшма йиғилишлари бўлиб ўтди.

ДОИМИЙ КОМИССИЯЛАР ЙИГИЛИШИ

Унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 июлдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон экологик ҳаракати вакиллари билан видеоселектор йиғилишидаги "Парламентимиз ҳақиқий демократия мактабига айланиши, ислохотларнинг ташаббускори ва асосий ижроси бўлиши керак" деб номланган маърузаларидан келиб чиқадиган устувор вазифалар, Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасининг жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси борасидаги фаолияти, Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси тизимида аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш бўйича олиб борилаётган ишлар, Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича мажмуаси томонидан ёшлар билан ишлаш соҳасида олиб борилаётган ишлар қўламини атрофлича кўриб чиқилди.

Йиғилишда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши фаолиятини янада тақомиллаштириш, ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда долзарб ҳисобланган қарорларни қабул қилишда жамоатчилик ва сайловчиларнинг кенг иштирокини таъминлаш, Кенгаш сессияларида маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари мансабдор шахсларининг ҳисобот ва ахборотларини мунтазам равишда эшитиб бориш амалиёти жорий қилиш лозимлиги таъкидланди.

Шунингдек, депутатлар томонидан жойлардаги ҳақиқий ҳолатни ўрганишда аниқланган, тегишли ташкилот томонидан ҳал этилиши керак бўлган муаммоларни ечиш бўйича зарур қарорлар кўриш, бу борада депутатлик назоратини кучайтириш лозимлиги қайд этиб ўтилди.

Партия гуруҳлари, доимий комиссиялар ва депутатларнинг тегишли ҳудуд ижтимоий-иқтисодий ривожига дахлдор бўлган долзарб масалаларни ҳал этиш борасидаги ташаббускорлигини ошириш, ёшлар билан ишлаш, оила ва аёллар масаласи бўйича олиб борилаётган ишларнинг самарадорлигини ошириш, Кенгаш сессияларида ёшларнинг дои-

мий равишда иштирок этишини таъминлаш амалиёти жорий этиш белгиланди.

Кун тартибидagi иккинчи масала бўйича Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси мутасаддиларининг устувор вазифаларининг ижроси ҳамда жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси борасидаги фаолияти юзасидан ҳисоботи тингланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 февралдаги "Ички ишлар органларида мавжуд муаммо ва камчиликлар, истиқболдаги вазифалар ҳақида" ўтказилган видеоселектор йиғилишида Ички ишлар вазирлиги ва унинг қўшма тизимлари томонидан фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, уларнинг ариза ва шикоятларини қонуний тартибда кўриб чиқиш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш ҳамда бу борада профилактика чораларини кўриб бориш, жиноятчиликка қарши курашиш борасида ҳамда ички ишлар идораларининг бошқа йўналишларида қатор камчиликларга йўл қўйиб келинаётганлиги алоҳида таъкидлаб ўтилгани қайд этилди.

Шаҳар ички ишлар органларининг жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси борасидаги фаолиятини янада кучайтириш, мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан доимий депутатлик назоратини ўрнатиш лозимлиги билдирилди.

Мутасадди вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда Тошкент шаҳрида "Хавфсиз шаҳар" концепциясини жорий этиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар амалга оширилиши лозимлиги белгиланди.

Бундан ташқари Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси тизимида аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш борасида олиб борилаётган ишлар ҳамда шаҳар ҳокимлигининг Ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича мажмуасининг ёшлар билан ишлаш соҳасида олиб борилаётган ишлари атрофлича кўриб чиқилди.

Доимий комиссиялар йиғилишларида кўрилган барча масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

(Ўз мухбиримиз)

ЎЗБЕК МУТАХАССИСЛАРИ ГЕРМАНИЯ ИСЛОМ МАРКАЗЛАРИ ТАЖРИБАСИНИ ЎРГАНМОҚДАЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мюнстер университети ҳузуридаги Ислам илоҳийоти маркази раҳбари Муханад Хоршиднинг сўзларига қараганда, Ўзбекистон делегациясининг ташрифи яқиндан халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш воситасида ўзбек халқининг бой маънавий-маданий меросини чуқур ўрганиш ва таҳлил қилиш бўйича фикр алмашиш имконини берди. "Дунёдаги мураккаб вазиятда саъй-ҳаракатларимиз орқали диний экстремизм ва агрессиянинг бошқа шаклларига биргаликда қарши курашиш, ёш авлодни ўзаро ҳурмат, тушуниш ва бағрикенглик руҳида тарбиялашимиз мумкинлигига ишончим комил".

Тюбинген университети қошидаги Ислам илоҳийоти маркази директори Эрдаль Топракчан Тошкент ислом университети ва мамлакатимизнинг бошқа муассасалари билан илмий-амалий ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинганини маълум қилди. "Самарқанд ва Тошкентда ташкил этилаётган янги марказ-

лар ҳақидаги маълумотлар бизда катта қизиқиш уйғотди. Биз ҳамкорлик қилишдан манфаатдормиз ва ташкилотларимиз ўртасидаги самарали алоқалар ўрнатишдан мамнун бўламиз".

Ўз навбатида, Франкфурт-Майндаги Гёте номидаги университет Ислам тадқиқотлари маркази раҳбари Омер Усбой жорий йил август ойида Самарқандда ЮНЕСКО шафъелигида ўтказилиши режалаштирилаётган "Дунё цивилизацияси тарихида Марказий Осиё ренессанси" мавзусидаги халқаро конференция тўғрисидаги хабар уни ниҳоятда қизиқтирганини таъкидлади. "Давлат мустақиллигининг 26 йиллиги нишонлини арафасида Ўзбекистонга боришдан чексиз мамнун бўламиз. Бу ўзбек халқи эришган муваффақиятлари ҳамда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари билан бевосита танишиш имконини беради".

"Жаҳон" АА,
Берлин

МАҲАЛЛАДА ҲУҚУҚИЙ ТАДБИР



Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси кун муносабати билан Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси, Жиноят ишлари бўйича шаҳар суди ва ИИББ ходимлари томонидан Учтала туманидаги "Қўшча Оқтепа" маҳалла фуқаролар йиғинида маҳаллалар аҳоли иштирокида Ўзбекистон Республикасининг "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси" ва "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги қонунларининг мазмун-моҳиятини тушунириш масалаларига

бағишланган ҳуқуқий тадбир ўтказилди.

Тадбир давомида Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси бошлиғи Абдурахмон Сафаров ва бошқалар сўзга чиқиб, маҳалла фуқароларини қизиқтирган барча саволларига батафсил жавоблар беришди, юртимизда суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг моҳияти, юқоридаги қонунлар ижроси юзасидан амалга оширилаётган ишлар ҳақида тўхталиб ўтишди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Тошкент ша-

ҳар Адлия бошқармаси ходимлари томонидан шаҳаримизнинг барча 505 та маҳалла фуқаролар йиғинларини қамраб олган ҳолда жорий йилнинг биринчи ярмида ва ҳозирда турли мавзулардаги ҳуқуқий тадбирлар ҳамда сайёр қабуллар ўтказиб келинмоқда. Мазкур тадбирларда аҳолининг, айниқса, ёшларимизнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришга ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга муҳим аҳамият қаратилмоқда.

(Ўз мухбиримиз)

лицензия ва рухсатномаларни "ягона дарча" марказлари орқали расмийлаштириш механизмининг босқичма-босқич жорий этиш назарда тутилмоқда.

Эндиликда тадбиркорлик субъектлари юқоридаги лицензия ва рухсатномаларни олиш учун бошқа идораларга бормасдан, уларни аниқ муддатларда берадиган "Ягона дарча" марказларига тўғридан-тўғри мурожаат қилиш имкониятига эга бўлади. "Ягона дарча" марказлари барча зарур қилиниш тартиб-таомилларини тадбиркорлик субъекти иштирокисиз мустақил амалга оширади.

Бундан ташқари 2018 йил 1 январдан бошлаб "ягона дарча" марказлари орқали тақдим этиладиган лицензия ва рухсатномаларни қороз шаклидаги махсус бланкаларда мажбурий расмийлаштириш талаби бекор қилинди. Бунда берилган, тўхтатиб қўйилган, қайта тикланган, қайта расмийлаштирилган, бекор қилинган, шунингдек, амал қилиши тугатилган рухсатнома ва лицензиялар тўғрисидаги маълумотларни "лицензия" ахборот тизимлари мажмуаси орқали олиш имконияти яратилди.

Қарорни амалга ошириш, шубҳасиз, тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатишнинг янги сифат босқичига кўтаришга, "Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак" деган эзгу ғояни ҳаётга татбиқ этишда асосий ўрин тутди.

В.МАМЕДОВ,
Юнусобод тумани "Ягона дарча" маркази раҳбари

ОДИЛ СУДЛОВГА БЎЛГАН ИШОНЧ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида шу йил 13 июнь кунин Тошкент шаҳрида ўтказилган суд органлари тизимида одил судловни таъминлаш борасидаги ишларнинг аҳволи, муаммолар ва истиқболдаги вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилишида халқимизнинг суд тизимига ишончини қатъий мустаҳкамлаш зарурлигига эътибор қаратилди.

Мазкур йиғилишдан кейин соҳа ходимлари, айниқса, одил судловни амалда таъминлашга масъул бўлган судьялар ўз фаолиятини қайта кўриб чиқиб, халқ билан яқинлашишга ҳаракат қилмоқда. Жойларда судьяларнинг аҳоли вакиллари билан бевосита мулоқотлари, сайёр судлар ташкил этилаётди.

Пойтахтимизда ҳам судьяларнинг аҳоли билан учрашувлари бўлиб ўтмоқда. Шундай тадбирлардан бири Юнусобод тумани аҳолиси учун ташкил этилди. Унда Тошкент шаҳар иқтисодий ишлар бўйича туманлараро суди, Фуқаролик ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туманлараро суди, Жиноят ишлари бўйича ҳамда Маъмурий ишлар бўйича Юнусобод тумани судлари судьялари иштирок этиб, одамларни ўйлантираётган масалалар ҳақида мулоқот қилиш билан бирга, уларнинг суд тизими билан боғлиқ саволларига жавоб берди.

Тадбирда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишга қаратилган чора-тадбирлар белгилангани ва амалда рўйбга чиқарилаётгани таъкидланди. Шу асосда 2017 йил 1 июндан суд ҳокимиятининг ягона олий органи – Ўзбекистон Республикаси Олий суди ташкил этилди. Жиноят, фуқаролик ишлари бўйича судлар қаторига маъмурий, иқтисодий судлар қўшилди ва иш бошланди. Бу аҳоли учун яратилган қулайлик бўлиши билан бирга, суд тизими ихтисослашувини чуқурлаштиришга ҳамда самарадорлигини оширишга қаратилган муҳим амалий қадам бўлди.

Соҳага ҳар томонлама етук, ҳалол, касбига садоқатли судьяларни танлаб олиш амалиёти жорий этилди. Бундан буён ўз соҳасини яхши билмайдиган, пухта касб ва ҳаёт тажрибасига, юксак маънавий-ахлоқий савияга эга бўлмаган юрист кадрлар ҳеч қачон судья лавозимига тайинланмайдиган.

Давлатимиз раҳбарининг маърузасидан сўнг фуқароларнинг одил судловга бўлган ишончини мустаҳкамлаш, қонун ва адолат устуворлигини таъминлаш борасидаги мақсад ва вазифаларни янада изчиллик билан, тизимли амалга оширишга бўлган иштиёқимиз кучайди, – дейди Фуқаролик ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туманлараро суди раиси Шерзод Ражабов. – Йиғилишда айрим судьялар ўртасида қонунга ҳид қаратилган содир этиш ҳолатлари учрада келаётгани ҳақида билдирилган танқидий фикрлар, очигини айтганда, бизнинг "юзи-миз қизаришига" сабаб бўлди. Ўрни келганда айтиш лозим, орамизда меҳнатсевар, ҳалол, одил судьялар талайгина. Лекин биргина бўлсада, ўз шахсий манфаатини ўзганинг тақдирдан устун қўядиган нопок ҳамкасбимиз мавжуд экан, биз одамларимизнинг адолатга, одил судловга бўлган ишончини мустаҳкамлаш олмаймиз. Шу боис энди ишга бўлган муносабатимизни тубдан ўзгартиришимиз, халқимиз ишончига сазовор бўлиш учун бор билим ва тажрибамизни ишга солишимиз зарур. Бир сўз билан айтганда, бундан буён судья деган юксак номга муносиб бўлиш учун борлигимизни бағишлаймиз.

Учрашувда аҳоли вакиллари суд тизими билан боғлиқ ўзлари дуч келаётган муаммолар, мазкур идораларга борганда ишларнинг вақтида битмай қўзилиб кетиши, бу эса оворагарчиликка сабаб бўлаётгани ҳақида мулоҳазалар билдирилди. Давлатимиз раҳбарининг бундай муаммоларга чек қўйишга қаратилган ташаббуси халқнинг дилидаги гап бўлиши билан бирга, қисқа вақтда бу халқнинг қорига ярайдиган амалиётга айланаётгани айтиб ўтилди.

Суд-ҳуқуқ тизимида қўллаб-қувватлаш амалга оширилган, соҳа тақомиллашган, лекин тизим билан оддий халқ ўртасида Президентимиз вақтида илгари қилинган, катта жарлик мавжуд эди, – дейди Юнусобод тумани "Мингчир" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Холида Фозилова. – Судья билан учрашиш, мулоқот қўл етмас орзуга ўхшар, уларда ҳам бунга интилиш сезилмасди. Суд биносига бирор иш билан борсан, қиролмасдан ҳам қайтиб кетарди. Энди эса ҳаммаси манфаатимизга мос равишда тубдан ўзгараётди. Профилактика кунда маҳаллаларда ташкил этилаётган сайёр очик суд мажлислари қўламини кенгайтиришга оид тақлифимизни судьялар қўллаб-қувватлаганидан жуда мамнун бўлдик.

Мулоқот давомида суд тизими билан боғлиқ ҳал этиш зарур бўлган масалалар назоратга олинди. Бундай учрашувлар изчил давом эттирилиши маълум қилинди.

Норгул АБДУРАИМОВА,
Ўза мухбири

Барчамизга аёнки, юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка катта имкониятлар яратилмоқда. Уларнинг эркин фаолият юритиши учун барча ғов ва тўсиқлар бартараф этилаётди. Аммо тадбиркорлик субъектлари билан учрашувлар чоғида лицензия ва рухсатнома бериш, муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланиш жараёнларида давлат хизматларини "ягона дарча" тамойили асосида кўрсатишни самарали ташкил этишга тўсқинлик қилаётган айрим муаммолар борлиги кўзга ташланмоқда.

Таъкидлаш жоизки, илгари тадбиркорлик субъектлари ўз фаолиятини бошлаши учун турли давлат органларига мурожаат этишга мажбур бўлишган, лицензия ва рухсатномаларни расмийлаштириш жараёнларида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллаган ҳолда уларга тезкор хизмат кўрсатишда давлатимиз раҳбарининг "Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш механизмининг тақомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Қарорга мувофиқ туман ва шаҳарларда фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектларига "ягона дарча" тамойили асосида дав-

лат хизматларини кўрсатиш марказлари туман ва шаҳар ҳокимликлари тузилмасидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бошқарувида ўтказилди. Бу эса "ягона дарча" марказларини самарали бошқариш, уларнинг фаолиятини ва бошқа давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлигини ташкил этиш-

ларига давлат хизматларини кўрсатишга оид қонунчиликка риоя этилиши устидан назоратни амалга оширувчи ваколатли орган этиб белгиланган.

Мазкур вазифаларни бажариш учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида Давлат хизматларини кўрсатишни мувофиқлаш-

ТАДБИРКОРЛАР ИМКОНИЯТИ КЕНГАЙМОҚДА

га нисбатан тизимли ёндашувни белгилаш имкониятини бермоқда.

Банклар ва кредит бюрolari, уларнинг филиаллари ва ваколатхоналаридан ташқари барча тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш "ягона дарча" марказлари зиммасига юклатилган. Бундай чора тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш ва ҳисобга қўйишнинг мавжуд тарқоқ тизими ўрнига янги, яхлит тизимни яратишга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги "ягона дарча" марказлари фаолиятига умумий раҳбарликни ҳамда тадбиркорлик субъек-

тириш ва ривожлантириш бошқармаси, жойларда эса унинг ҳудудий бўлиmlари ташкил этилган.

"Ягона дарча" марказлари томонидан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун 21 турдаги рухсатномаларни бошқа идораларга бормасдан расмийлаштириш амалиёти сансалорликларнинг олдини олишга, тадбиркорлик субъектларининг вақти ва моддий сарф-ҳаражатларини тежашга олиб келмоқда.

Ана шундай ижобий амалиётни янада кенгайтириш мақсадида қарорда қайд этилганидек, энг юқори бўлган қўшимча 86 турдаги

ҲАҲТАЛИК ТЕЛЕДАСТУРЛАР

(Давоми. Боши 3-бетда)

Ўзбекистон

06.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
07.00 "PRESS CLUB".
07.45 Анонс.
08.00 "Ахборот".
08.40 Миллий сериал. "Опа-сенигилар".
09.20 "Объективни нигорда".
09.55 "Қорачик".
10.15 Анонс.
10.30 "Дидар". 2. "Рангинкамон".
11.10 "Тадбиркор даври". Ток-шоу.
11.50 Анонс.
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
12.00 "Чубурчак". Ток-шоу.
13.50 Анонс.
14.00 "Ахборот".
14.15 "Агроолан".
14.35 Анонс.
14.50 "Ойдин ҳаёти". Ток-шоу.
15.40 "Пойиқадан натижагача".
16.00 "Заковат".
17.00 "Ахборот".
17.10 Миллий сериал. "Опа-сенигилар".
17.50 "Зиё даргалари".
18.20 Анонс.
18.25 "Менинг боғим".
18.45 Анонс.
18.55 "Зиё" студияси: "Этиқод мушакрамлиги йўлида".
19.25, 20.00, 20.50 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" /рус/.
20.05 "Мулоқот вақти".
21.00 "Ахборот".
21.40 "Қишлоқ ҳаёти". Ток-шоу.
Паркент туманидан.
22.00 – 23.40 "Замонлар аро муҳаббат".
Б/ф.
23.40 "Менинг боғим".
00.00 "Зиё даргалари".
00.30 Миллий сериал. "Ҳаёт жилгалари".
01.00 "Ахборот" /рус/.
01.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
02.30 "Алломиш". Б/ф. 1-қисм.
03.45 Анонс.
04.00 "Ахборот".
04.40 Миллий сериал.
"Меҳмонхонадан айланай".
05.10 – 05.55 "Ойдин ҳаёти". Ток-шоу.

Ёшлар

06.00 "Ватан меҳри".
06.10 "Қизлар мактаби".
06.30 "13-студия".
07.00 "Давр".
07.30 "Имон-шоу".
08.10 "Қасоскор замин". Т/с.
09.30 "Автопатруль".
09.50 "Истиқлол шуқури".
10.00 "Давр".
10.10 "Ҳанси Дро". Б/ф.
11.50 "Баркамоллик йўлидан".
12.10 "Меҳмонхона сирлари". Т/с.
13.00 "Давр".
13.10 "Давиллик учун ҳоз гурам". Б/ф.
14.30 "Мўйалам сеҳри".
15.10 "Мўйлазавий дунё".
15.50 "Оғош бўлинт".
16.00 "Давр".
16.10 "Оқсуқ изкувар". Т/с.
17.00 "Истиқлол шуқури".
17.10 "Якин-йироқлар".
17.30 "Юрт келажиги".
17.50 "Қотир рашиқ". Б/ф.
18.50 "Телехўша".
19.00 "Давр".
19.30 "Меҳмонхона сирлари". Т/с.
20.20 "Таниқ ва таҳлил".
20.30 "Фан ва ёшлар".
21.00 "Миллат шайни".
21.10 "Қаловат кўчаси". Т/с.
22.00 "Давр".
22.30 "Келажакка қайтиб-2". Б/ф.
00.20 "Афсона ва ҳақиқат".
04.20 "Иксон психологияси".
04.40 "Қишлоқ тараққиёти".
05.00 "Қорондақ ёш".
05.10 "Зуфил издошлари".
05.30 – 06.00 "Давр".

Тошкент

05.55 "Ягонасан, муқаддас Ватаним!"
06.00, 07.00, 08.00, 09.00, 10.00, 11.00, 12.00, 13.00, 14.00, 15.00, 16.00, 17.00, 18.00, 20.00, 22.00, 02.00 "Роутакт".
06.15 Миллий сериал. "Одамлар орасида".
07.15 "Тошкент вақти".
09.50 "Роутакт-спорт".
10.15 "Мулоқот вақти". Т/с.
11.15 "Мулоқот вақти".
11.40 "Обод хонадон".

Ўзбекистон

06.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
07.00 "Шаҳр".
07.10 "Халқ қабулхонасида бир кун".
07.50 Анонс.
08.00 "Ахборот".
08.40 "Тантанавор кун". Б/ф.
10.05 "Бизнинг сарти".
10.30 "Мулоқот вақти".
11.00 "Ўзингни англа". Ток-шоу.
11.50 Анонс.
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
13.00 "Ҳаёт сен". Б/ф.
14.45 "Олий қадрият".
15.05 "Қишлоқ".
15.25 Анонс.
15.30 "Билимдон". Интеллектуал танлов.
16.30 "Ахборот" /инглиз/.
16.40 "Қуналарнинг бирида".
17.00 "Ахборот".
17.10 Анонс.
17.15 "Муҳаббат ва бошқа ташвишлар".
Б/ф.
18.55 "Ўзингиз ободлиги".
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" /рус/.
20.05 "Шаҳр".
20.15 "Ойдин ҳаёти". Ток-шоу.
21.00 "Ахборот".
21.40 "Дунё классикаси".
22.20 – 23.50 "Муҳаббатим ситимайди". Б/ф. Премьера.
23.50 Анонс.
00.00 "Билимдон". Интеллектуал танлов.
01.00 "Ахборот" /рус/.
01.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
02.30 "Алломиш". Б/ф. 2-қисм.
03.45 "Қуналарнинг бирида".
04.00 "Ахборот".
04.40 "Олий қадрият".
05.00 Анонс.
05.10 – 05.55 "Ойдин ҳаёти". Ток-шоу.

Ёшлар

06.00 "Ватан меҳри".
06.10 "13-студия".
06.30 "Қизлар мактаби".
07.00 "Давр".
07.30 "Имон-шоу".
08.10 "Малина виласи". Б/ф.
09.50 "Истиқлол шуқури".
10.00 "Давр".
10.10 "Тадбиркор". Б/ф.
11.40 "Сеҳри қўллар".
12.00 "Таниқ ва таҳлил".
12.10 "Меҳмонхона сирлари". Т/с.
13.00 "Давр".
13.10 "Қишлоқ футбол боскетбол". Б/ф.
15.00 "Миллат шайни".
15.10 "Мўйлазавий дунё".
15.50 "Истиқлол шуқури".
16.00 "Давр".
16.10 "Оқсуқ изкувар". Т/с.
17.00 "Таниқ ва таҳлил".
17.10 "Соғлом ҳаёт".
19.30 "Ўзбекистон". Б/ф.
19.40 "Меҳмонхона сирлари". Т/с.
20.30 "Ош бўлисин".
21.00 "Ёш халқимиз". Б/ф.
21.50 "Истиқлол шуқури".
22.00 "Давр".
22.30 "Келажакка қайтиб-3". Б/ф.
00.20 "Мўйалам сеҳри".
01.30 "Баркамоллик йўлидан".
01.50 "Юрт келажиги".
02.10 "Зар ёмиғи".
03.10 "Биз қимиз".
04.00 "Халқ билан кўча-юз".
05.30 – 06.00 "Давр".

Тошкент

05.55 "Ягонасан, муқаддас Ватаним!"
06.00, 08.00, 11.00, 12.00, 14.00, 16.00, 22.00, 02.00 "Роутакт".
06.15 Миллий сериал. "Меҳмонхона".
07.15 "Тошкент вақти".
07.40 "Халқ билан кўча-юз".
09.00 "Роутакт-madaniyat".

Ўзбекистон

06.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
07.00 "Шаҳр".
07.10 "Ўзингиз ободлиги".
07.40 "Қуналарнинг бирида".
08.00 "Ахборот".
08.40 Анонс.
08.50 "Оталар". Б/ф.
10.20 "Ҳаёт тилими".
10.35 "Менинг боғим".
10.55 Анонс.
11.10 "Ойдин ҳаёти". Ток-шоу.
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
13.00 Анонс.
13.10 "Амадеус". Б/ф.
15.40 "Пойиқадан натижагача".
16.00 "Қишлоқ ҳаёти".
16.20 Анонс.
16.30 "Тадбиркор даври". Ток-шоу.
17.10 "Қотир рашиқ". Теленовелла.
17.30 Анонс.
17.40 "Муносабат". Ток-шоу.
18.40 "Ўзингни англа". Ток-шоу.
19.25, 20.30, 20.50 Эълонлар.
19.30 "Тахлинома" /рус/.
20.40 "Шаҳр".
21.00 "Тахлинома".
21.40 "Заковат".
22.40 – 00.20 "Ларри Краун". Б/ф.
00.20 "Ўзингни англа". Ток-шоу.
01.00 "Тахлинома" /рус/.
01.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
02.30 "Ер-ер". Б/ф.
03.40 "Қишлоқ ҳаёти".
04.00 "Тахлинома".
04.55 – 05.55 "Заковат".

Ёшлар

06.00 "Ватан меҳри".
06.10 "Қизлар мактаби".
06.30 "13-студия".
07.00 "Давр".
07.30 "Якин-йироқлар".

12.15 Миллий сериал. "Одамлар орасида".
13.15 "Кафдаги бахт". Т/с.
14.15 "Тошкент вақти".
15.50 "Роутакт-спорт".
16.30 "Профессионал".
17.15 "Телехўша".
17.40 "Профессионал".
18.20 "Тошкентнома".
18.40 "Халқ билан кўча-юз".
19.00 "Телемаркет".
19.15 "Кафдаги бахт". Т/с.
19.30 "Премьера".
20.20 "Қўзғалди Биз".
20.45 "Сайёр камера".
21.00 "Муҳаббат-мангу". Т/с.
19.00 "Давр".
21.45 "Телемаркет".
22.20 "Мужина ва гарантей". Х/ф.
23.30 "Химати дунё".
23.35 "Сайёр камера".
23.45 "Қўзғалди Биз".
00.35 "Профессионал".

ЖУМА, 28

01.00 "Мен сизга айтсам".
02.15 "Роутакт-Hi-tech".
02.30 "Химати дунё". "Бувион".
03.15 – 05.55 "Тошкент вақти".

Спорт

06.00 Мадания.
06.05 Кўрсатувлар тартиби.
06.10 "Қўноқ стартлар".
06.35 "Шикоят".
07.00 "Спорт-онлайн".
07.30 "Болалар спорти".
08.00 Спорт англияликлар.
08.10 Футбол. Ўзбекистон Кубоги.
"Локомотив" – "Бухоро".
05.00 – 06.00 Теннис. АТР – WTA турнири.

Маҳалла

06.00 "Ватан мадди".
06.05 Миллий сериал. "Едгор".
06.40 Кексалар даврасида:
"Қайнона бисотидан".
07.00 "Бизга соғлом бўлайлик".
07.15 Миллий сериал. "Ҳаёт пиллаволари".
7.50 "Маҳалламиз спортчилари".

10.00 "Роутакт news".
10.15 "Муҳаббат-мангу". Т/с.
11.15 "Рагби телевизори".
11.45 "Пойтахт-Hi-tech".
12.15 Миллий сериал. "Меҳмонхона".
13.00 "Дундан дараклар".
13.15 "Кафдаги бахт". Т/с.
14.15 "Тошкент вақти".
14.40 "Халқ билан кўча-юз".
15.00 "Роутакт-madaniyat".
15.00 "Роутакт news".
16.00 "Обод хонадон".
17.00 "Иксон зикр ораси".
18.20 "Вакт топиб".
18.45 "Тошкентнома".
19.00 "Телемаркет".
19.15 "Кафдаги бахт". Т/с. Премьера.
20.00 "Пойтахт-вазир".
20.20 "Санажон".
21.00 "Дундан дараклар".

ШАНБА, 29

21.20 "Ўзгача услуб".
21.45 "Теле-маркет".
22.00 "Қақ уқраш небоскреби". Х/ф.
00.05 "Мен сизга айтсам".
01.15 "Санажон".
02.15 "Ўзингиз айтилати".
02.50 "Химати дунё". "Сўнги пўшаймон".
03.15 – 05.55 "Тошкент вақти".

Спорт

06.00 Мадания.
06.05 Кўрсатувлар тартиби.
06.10 "Қўноқ стартлар".
06.35 "Шоҳсулага йўл".
06.55 "Ифтихоримсан, спорт".
07.30 "Жолиба".
08.00 Спорт англияликлар.
08.05 Футзал. Клублар ўртасида Осиё чемпионати.

18.15 "Эпирф".
18.30 "Новости спорта".
11.10 "Матонат".
11.35 "Техноспорт".
11.55 "Спорт хандиси".
11.45 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
12.00 "Спорт сабоқлари".
12.30 Спорт англияликлар.
12.35 Теннис. АТР – WTA турнири.
14.00 "Новости спорта".
14.10 Футбол. Ўзбекистон Кубоги.
"Локомотив" – "Бухоро".
16.00 "Чемпион".
16.30 Спорт англияликлар.
16.40 "Техноспорт".
16.55 "Формула-1". Квалификация.
Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.

13.25 "Эпирф".
13.45 Футзал. Клублар ўртасида Осиё чемпионати. Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
14.35 "Телемаркет".
15.50 "Ота-бизга назар".
15.50 "На десерт".
16.30 Спорт англияликлар.
16.35 "Техноспорт".
16.45 Кўрсатувлар тартиби.
16.50 Футзал. Клублар ўртасида Осиё чемпионати. Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
19.00 "Автограф судьбы".
19.35 "Мурабий".
20.05 "Эпирф".
20.15 "СПОРТ-МАРКЕТ".
20.30 Спорт англияликлар.

14.40 "Дундан дараклар".
15.00 "Санажон".
15.45 "Кафдаги бахт". Т/с.
19.10 "Иксон зикр ораси".
19.45 "Телемаркет".
20.00 "Китобхон".
20.45 "Телемаркет".
21.00 "Невидимый гость". Х/ф.
Премьера.
22.45 "Пойтахт-вазир".
23.10 "Тақдирлар".
23.40 "Пойтахт-культура".
00.05 "Обод хонадон".
00.25 "Китобхон".
01.10 "Роутакт-madaniyat".
01.20 "Мен сизга айтсам".
01.55 "Пойтахт-Hi-tech".

ЯКШАНБА, 30

02.10 "Пойтахт" на пульсе".
02.30 "Химати дунё". "Мафтуна".
03.15 – 05.55 "Тошкент вақти".

Спорт

06.00 Мадания.
06.05 Кўрсатувлар тартиби.
06.10 "Қўноқ стартлар".
06.35 "Шикоят".
07.00 "Спорт-онлайн".
07.30 "Болалар спорти".
08.00 Спорт англияликлар.
08.10 Футбол. Ўзбекистон Кубоги.
"Локомотив" – "Бухоро".
05.00 – 06.00 Теннис. АТР – WTA турнири.

Маҳалла

06.00 "Ватан мадди".
06.05 "Жавондаги жаҳоир".
06.30 "TV анонс".
06.35 "Фермер".

08.15 "Мутлола завқи".
08.30 "Маҳалладошлар".
09.00 Миллий сериал. "Таваллуд".
09.25 "Аслидек асрайлик".
09.50 "Кун нафаси".
10.00 "Қишлоқ кўйидаги бахт".
10.25 "TV анонс".
10.30 "Қаҳнат ва ҳуқуқ".
11.00 "Халқ билан кўча-юз".
11.40 "Хатарли қаром".
12.00 "Саодатли умр".
12.20 "Халқ виждони". Ток-шоу.
13.10 "Осуда ҳаёт".
13.35 "Сиз билан бирга".
14.00 "Ўқиме формуласи".
14.25 "TV анонс".
14.30 "Тарбиянинг олтин қоридаси".
15.00 Миллий сериал.
"Чемпионлик орузи".
15.35 "Шукрона".
16.00 "Мехрибон". Ток-шоу.
16.50 "Мутлола завқи".
17.00 Миллий сериал. "Вакт кадри".
17.35 "Ён қўшим – жон қўшим".
18.00 "Step by step".
18.30 "Бизнес ва тараққиёт".
19.00 Миллий сериал.
"Ҳаёт пиллаволари".
19.35 Кексалар даврасида:
"Қайнона бисотидан".
20.00 "Тибда". Халқ манфаатлари йўлида.
20.50 "Кун нафаси".
21.00 "Таҳлил ва тақлим".
21.25 "TV анонс".
21.30 "Тадбиркор бўлмоқчиман".
22.00 "Бизга соғлом бўлайлик".
22.30 "Мўйлазавий дунё".
23.00 "Иксон мажлавлари".
23.20 "Зўғу сўз, зўғу амал". Ток-шоу.
00.00 "Ватан мадди".
00.05 Миллий сериал. "Едгор".
00.35 "Табаррук анъана".
01.00 "Тадбиркорлик – қонун ҳимоясида".
01.30 "Ноб-институт".
02.00 "Бизнинг қўш. аммо...".
02.30 "Маънавият".
03.00 Миллий сериал. "Чемпионлик орузи".
03.35 "Иксон қўш. аммо...".
04.00 "Қўш. аммо...".
04.45 "Мутлола завқи".
05.00 Миллий сериал. "Вакт кадри".
05.35 – 06.00 "Ахдошлар хазинаси".

Болажон

07.00 "Салом, болажон!"
07.10 "Болажон гимнастикаси".
07.20 "Болажон устаконаси".
07.30 "Ширинтой-кичинтойлар".
07.50 "Табият саёҳати".
08.30 "Мультианорама".
10.10 "Топан болажон".
10.30 "Мультианорама".
12.00 "Саргузаштлар ороли".
12.30 "Эртақлар оламида".
13.50 "Миттивойлар мусобақаси".
14.00 "Мультианорама".
15.50 "Болан болажон".
16.00 "Билан болажон".
16.30 "Мультианорама".
18.00 "Худоберди бобо меҳмонда".
18.10 "Рассом болажон".
18.30 "Мультианорама".
19.20 "Story time".
19.30 "Мультианорама".
20.00 "Сеҳри қўллар".
20.10 "Мультианорама".
21.00 "Китоблар мамлакатиди".
21.30 "Мультианорама".
21.50 – 22.00 "Ҳайри тун".

Кинотеатр

06.00 "Юрт мадди".
06.05 "Кичик дунё". Б/ф.
07.50 Миллий кино. "Мехрибонлик".
09.05 Оилавий экран. "Харвининг сўнги имконияти".
10.40 Жаҳон киноси. "Яхши йигитлар".
Б/ф. 1-қисм.
11.50 "Яхши йигитлар". Б/ф. 2-қисм.
13.00 "Хотирлар шахрига саёҳат". Б/ф. 1-қисм.
14.05 "Хотирлар шахрига саёҳат". Б/ф. 2-қисм.
15.10 Болалар экран. "Сарҳит ит ёри".
16.40 Миррове кино. "Марсианин".
Х/ф.
17.55 "Марсианин". Х/ф. 2-қисм.
19.05 "Шифокор қисмати". Т/с.
20.15 Миллий кино. "Севишганлар".
21.45 Жаҳон киноси. "Иттифоқчилар".
Б/ф. 1-қисм.
22.45 "Иттифоқчилар". Б/ф. 2-қисм.
23.35 Мўйлазавий фильм. "Ришта".
00.00 "Юрт мадди".
00.05 "Юрт мадди".
02.10 "Тимокс". Данди Лос-Анжелесда".
Б/ф.
03.50 – 06.00 "Ўнга негр боласи". Б/ф.

Болажон

07.00 "Салом, болажон!"
07.10 "Болажон гимнастикаси".
07.20 "Ширинтой-кичинтойлар".
08.00 "Саргузаштлар ороли".
08.30 "Мультианорама".
10.00 "Bravo English".
10.30 "Мультианорама".
12.00 "Миттивойлар мусобақаси".
12.30 "Эртақлар оламида".
13.40 "Рассом болажон".
14.00 "Мультианорама".
15.50 "Табият саёҳати".
16.30 "Мультианорама".
18.00 "Топан болажон".
18.30 "Мультианорама".
19.50 "Сеҳри қўллар".
20.10 "Мультианорама".
21.00 "Билан болажон".
21.30 "Мультианорама".
21.50 – 22.00 "Ҳайри тун".

Кинотеатр

06.00 "Юрт мадди".
06.05 "Кичик дунё". Б/ф.
07.35 Миллий кино. "Севишганлар".
08.55 Оилавий экран. "Хуанг Ши болалари". Б/ф.
10.50 Саргузашт фильмлар экран. "Чинжаку – Катта иксон".
12.25 Жаҳон киноси. "Олис – олиларда". Б/ф. 1-қисм.
13.35 "Олис – олиларда". Б/ф. 2-қисм.
14.40 Болалар экран. "Оливер Твист".
16.45 Миррове кино. "Охотники в прериях Мексик". Х/ф. 1-қисм.
18.00 "Охотники в прериях Мексик". Х/ф. 2-қисм.
19.15 Миллий кино. "Тақдир қарачилиги".
21.00 Жаҳон киноси. "Кикбоксёр".
22.35 Жаҳон киноси. "Ҳазилин йигитлари".
00.00 "Юрт мадди".
00.05 "300 спартацев". Х/ф.
02.00 "Рим таълиқлари". Б/ф.
03.50 – 06.00 "Топлар аро етти йил". Б/ф.

Кинотеатр

06.00 "Юрт мадди".
06.05 "Кичик дунё". Б/ф.
07.30 Миллий кино. "Тақдир қарачилиги".
09.15 Оилавий экран. "Ғўлим Френки".
10.55 Жаҳон киноси. "Виждон амри".
Б/ф. 1-қисм.
12.05 "Виждон амри". Б/ф. 2-қисм.
13.10 Жаҳон киноси. "Музаббер". Б/ф. 1-қисм.
14.15 "Музаббер". Б/ф. 2-қисм.
15.20 Болливуд тўхфаси. "Ризо".
17.40 Миррове кино. "Парик подожде". Х/ф. Премьера.
19.10 Миллий кино. "Келганда келин".
21.10 Жаҳон киноси. "Запги лақабли робот".
23.10 Мўйлазавий фильм. "Сахро фарзанди".
00.00 "Юрт мадди".
00.05 "Несправимый лугн". Х/ф.
01.20 "Спартак". Б/ф.
04.25 – 6.00 "Табаррук кўча йўли олади".
Б/ф.

Кинотеатр

06.00 "Юрт мадди".
06.05 "Уч плес икки". Б/ф.
07.30 Миллий кино. "Тақдир қарачилиги".
09.15 Оилавий экран. "Ғўлим Френки".
10.55 Жаҳон киноси. "Виждон амри".
Б/ф. 1-қисм.
12.05 "Виждон амри". Б/ф. 2-қисм.
13.10 Жаҳон киноси. "Музаббер". Б/ф. 1-қисм.
14.15 "Музаббер". Б/ф. 2-қисм.
15.20 Болливуд тўхфаси. "Ризо".
17.40 Миррове кино. "Парик подожде". Х/ф. Премьера.
19.10 Миллий кино. "Келганда келин".
21.10 Жаҳон киноси. "Запги лақабли робот".
23.10 Мўйлазавий фильм. "Сахро фарзанди".
00.00 "Юрт мадди".
00.05 "Несправимый лугн". Х/ф.
01.20 "Спартак". Б/ф.
04.25 – 6.00 "Табаррук кўча йўли олади".
Б/ф.

ОБОД ШАҲРИМ — ОЗОДА ШАҲРИМ

ҳар шанба — тозалик кун

ҲУРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР!

Шаҳримизнинг янада кўркам бўлиши, кўчаларимизнинг орасталиги, маҳаллаларимизнинг озода ва ободлигига ҳисса қўйиш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиз эканлигини унутмайлик, тозалик ва ободонлаштириш ишларида фаол бўлайлик!

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"Respublika mulk markazi" МЧЖ бошлангич баҳоси босқичма-босқич олиб бориш тартибиди ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Тошкент вилояти прокуратурасига тегишли, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чўпонота кўчаси, Ц-мавзесиди сақланаётган қўйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда.

1. "DAEWO Nexia" русумли, давлат рақами 10/017BA бўлган, 2006 йилда ишлаб чиқарилган, бошлангич баҳоси – 14 297 374 сўм. 2. "DAEWO Nexia" русумли, давлат рақами 10/728CAA бўлган 2006 йилда ишлаб чиқарилган, бошлангич баҳоси – 14 352 476 сўм. 3. "DAEWO Nexia" русумли, давлат рақами 10/514LBA бўлган 2006 йилда ишлаб чиқарилган, бошлангич баҳоси – 15 615 128 сўм. 4. "DAEWO Nexia" русумли, давлат рақами 10/567LBA бўлган 2006 йилда ишлаб чиқарилган, бошлангич баҳоси – 14 352 476 сўм. 5. "DAEWO Nexia" русумли, дав